

Бу вокеа содир бўлган пайтда, кизча эндигина ўн ёшга тўлгай эди. Ўша кезларда у мактаб ховлисида ва йўлакларда болалар орасида шодумон югуриб юрарди. ёш болаларнинг шўхликларини бироз тартибга солиш учун ўқитувчилар юкори синф ўқувчиларидан навбатчилар тайинлайдиган бўлишди. Юкори синф ўқувчилари эса бу ишга чинакамига киришиб, каттик назорат ўрнатишди. Кичиклар назарида навбатчилар кан-дайдир самовий кудратга эга эдилар. Болалар икки катор бўлиб синфларга кўтарила-ётганларида улар зинанинг икки томонида туриб кузатишар, танаффус пайтларида эса йўлка бўйлаб юришар ва синфларни текширишарди. Кимдир югуришдан ўзини тўхтата олмаса ёки бирор ножўя иш килаётганда кўлга тушиб колса борми, унинг холига вой — танаффуснинг колган кисмини эшик ёнида тик туриб ўтказишга мажбур бўларди. Бола-бола-да, шумтакалар аксига олиб, янгидан-янги бебошликлар билан назоратдагиларни алдаб, бегунохларни жазога гирифтор килишарди. Кизча шунака шумликка дучор бўлди. У эшик ёнида турганида ўгил болалардан бири келиб оркасида шашт билан итариб юборди. Кизча эшикдан отилиб чикиб, тар-тибни назорат килиб юрган юкори синф ўқувчиларидан бирига бориб урилди. Йигит унинг кўлидан махкам ушлаб эшик ёнига олиб келди:

— Шўхлик килганинг учун мана шу ерда турасан!

Киз бошини кўтариб йигитга каради. Бу ишни унинг ўзи атайлаб килмаганлиги-ни, ўгил болалар итариб юборишганини айтмокчи бўлди-ю, айтолмади. Томогига бир нарса тикилиб, кўзларидан маржон-маржон ёш юмалаб туша бошлади. Йигисини ти-ёлмаётган бўлса-да, жазолаётган йигит ахён-ахёнда унга караб кўяётганини пайкади...

Кизча эшик ёнида котиб турар, кўзларидан хамон ёш окарди. Нихоят, йигит унинг ёнига келиб, чўнтагидан дастрўмол олганча, кизнинг кўзларини артиб кўйди. Нега бунака килганини эхтимол ўзи хам билмасди, балки шу тзрика кизга озгина ёрдам бермокчи, кўнглини кўтармокчи бўлгандир.

Киз йигитга миннатдорчилик билан караб кўйди, бир неча дакика уларнинг ни-гохлари тўкнашди. Йигит киз ўйлаганчалик енгилтак ва тошбагир эмас, унинг кўзларида чукур маъно, олижаноблик ва меҳр бор эди. Кейинги дарсларнинг кандай ўтганини киз пайкамади. Йигитнинг нигохи кизнинг кўз ўнгидан кетмас, мургак калбида аллакан-дай мавхум, туманли, аммо ширин туйгулар уйгонган эди...

Дарё тугаб, уйга кайтаётганда киз: «Балки у оркамдан караб тургандир», деган ўйда бошини магрур кўтариб кетди. Бирок бу пайтда оркада йигитнинг кораси хам кўринмасди. Кечкурун уйкуга ётаётганда яна ўзининг эшик ёнида тургани, йигит келиб чўнтагидан дастрўмол чикарганча кўзларини артиб кўйгани кизнинг хаёлидан кетмади. Эртасига у мактабга ўкдек учиб борди. Эхтимол бугун хам улар учрашиб коли-шар...

Кизча бу учрашувдан кувонар, бирозгина кўркарди хам. Катта танаффус пайтида у бир неча болалар билан кувлашиб, атайлаб йигитнинг атрофидан айланиб чопди, аммо йигит унга эътибор бермади. У тўполончи ўгил болани огохлантириб турган эди. Синфда ўтирганида, киз: «Кейинги танаффус пайтида ўгил болалар билан жанжаллаша-ман, кейин у келиб мени эшик ёнига тургизиб кўяди, шунда яхшилаб кўриб оламан», деб кўнглига тугиб кўйди. Кизнинг бу режаси хам амалга ошмади, чунки кейинги танаффус йигит йўлакда кўринмади.

Эртасига киз зинадан кўтарилаётганда улар тасодифан юзма-юз келиб колишди. Йигит кизнинг кўзларига термилиб каради, кизча хам унга тикилдию, уялиб кетдими, дарров

кўзларини олиб кочди. Нигохларнинг шу бир лахзалик учрашуви кизнинг бир неча хафталар давомида ширин-ширин тушлар кўриши учун етарли эди. У йигитга рўбарў келган кезлари завк-шавкка тўлиб кетар, кўришмаган пайтлари эса рутубатли куз кунларидек, зерикарли ва гамгин ўтарди. Йигитни деб у бир марта тушлик овкатга кечикди, онасини анча куттириб, хавотирга солиб кўйди. Ўшанда юкори синф болалари мактаб ховлисида кўл тўпи ўйнаётган эдилар. Киз жилдини деворга суяб кўйганича, йигитнинг кандай ўйнаётганини кузатиш учун томошабинлар орасидан жой олди. Ховли бурчагида жимгина ўтириб, унинг хар бир харакатини зимдан кузата бошлади. Кизнинг шу ердалигини пайкаган йигит эса болаларнинг барчасидан яхшироқ ўйнардди. Баъзан у ракиб дарвозаси ёнида тўпни кўлига олиб баландга сакрар ва бир лахза хавода гўёки муаллак туриб коларди. Дарвозабон унинг харакатларидан алданиб ўзини бир тарафга олар, йигит эса тўпни иккинчи тарафга секингина ташлаб кўяр ва томошабинларнинг кийкирикларига сазовор бўларди. Кизча ўзининг шу ердалиги йигитга канот багишла-ётганини гира-шира хис этса-да, бунга ўзини ишонтиролмасди. Йигит унинг назарида баланд бир чўккида, ўзи эса... Одатда, ўнинчи синф болалари ёш кизчаларни унчалик писанд килишмайди-да...

Ўқув йили тугади. Йигит мактабни битириб кетди. Киз гамгин бир холга тушиб колган, шу билан хаммаси тамом бўлди, деб ўйлар эди.

Таътил кунлари тугаб, янги ўқув йили бошланди. Йигитнинг ўрнида энди кичкин-тойларни бошка бир бола назорат килар, бу эса кизчанинг мургак калбига битмас-туганмас жарохатлар соларди. Бирок йилларнинг ўтиши, хар куни янги-янги воқеалар юз бериб туриши натижасида кизнинг кўз ўнгида йигитнинг сурати аввалига хиралашиб, сўнгра ўчиб кетди. Вакт хар кандай дардни даволайди, деганлари рост экан. Кизнинг гамлари бироз босилгандай бўлди. Сурати кўз ўнгидан кетган бўлса-да, у йигитни бутунлай унутолмади. Йиллар ўтиб, бошка бир йигит ундан илк бўса олганда хам, киз бунини биринчи мухаббатим, деб атай олмади. Изхор этилмаган биринчи мухаббатини у юрагининг энг тўрида, энг махфий жойида, болалик дамларининг сеҳрли ва оханрабо эртаги сифатида авайлаб-асраб келарди...

Киз турмушга чикди. Фарзанд кўрди. Кизчаси икки ёшга тўлди. Сентябрь ойининг ўрталари эди. Касбдошлари уни зиёфатга таклиф этишди. Кимдир институтни сиртдан тамомлаган экан. Барча бир ресторанга йигилишди. Аёл кувноклар даврасида гул-гул очилиб ўтирар, козонилган муваффакият шарафига атрофдагилар билан кадах уришти-рар эди. Бир вақт кўшни стол атрофида ўтирган йигитлардан бири ўрнидан туриб, унинг ёнига келди ва раксга таклиф этди. Киз ялт этиб каради-ю, калбининг тўрида яшириниб ётган туйгулар юзага чикиб, бутун вужудини ёндириб юборгандай бўлди. Калтираб кетди. Не кўз билан кўрсинки, бу ўша — мургак калбнинг шаффоф эхти-рослари ила севиб колган, кўз ўнгидан барибир сурати хеч қачон кетмаган йигит эди!

Улар раксга туша бошладилар. Бир-бирини кўлларида тутиб айланишаркан, аёл-нинг ўзига хам хозир кулгили бўлиб туюлаётган ўтмиш болалиги тўгрисида сўзлаб бериш истаги тугилди. Аммо у йигитнинг кўзларига тикилиб карай олмади. Йигит эса уни охиста ўзига тортиб, юзини унинг жингала, кўнгир сочларига кўйганча, кулогига шивирлади: — Биласизми, эхтимол сиз мени масхаралаб куларсиз, аммо бир вақтлар, мактаб-да ўкиб юрганнимизда мен сизни жуда каттик севиб колган эдим.

Немис тилидан Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси